Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 56 (6. 545) 1988 йил 9 март, чоршанба Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## Юксалиш сари

▲ Янги йилдан юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга киришган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг қаттиқ қотишмалар ва ўта қаттиқ материаллар бўлими коллективи юксак марраларни кўзлашмоқда. Ҳозир бу ерда рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар, автоматик линиялар, ихчам технологик системалар учун юқори унумли асбоблар тайёрланмоқда.

Янги шароитга ўтиб ишлай бошлаган коллектив олдида ҳали вазифалар кўп. Хўжалик ҳисоби қонун-қоидалари, кўпгина нормативлар, тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиляпти, булар ҳар бир инженер-техник ходим онгига сингдириляпти.

▲ Экспериментал лаборатория махсус асбоблар тайёрлашга киришди. Коллектив олдида ҳали катта изланишлар, янги истиқболлар турибди. Қаттиқ қотишмалар ва ўта қаттиқ материаллар бўлими ўз технологик йўналиши бўйича корхонада энг асосий бўлим ҳисобланади. Маълумки, янгича шароитда ҳамма нарсани кадрларнинг янгича иқтисодий фикрлаши ҳал этади. Шу сабабли кадрлар ўртасида иқтисодий ўқувга катта эътибор қаратиляпти. Иш структуралари қайта кўриб чиқиляпти.

Ўн иккинчи беш йилликда ишчилар сонини оширмасдан, корхонада тайёрланадиган асбоблар ҳажмини камида бир ярим баравар ошириш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни эса ўтган беш йилликка нисбатан уч ярим баравар ошириш кўзда тутилган.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Коллектив учун имтиҳон

**Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврининг энг катта ўзгаришларидан бири — туб иқтисодий ислоҳот меҳнат коллективлари учун энг жиддий имтиҳон ҳисобланади. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводида бўлганимизда, етакчи мутахассислар, корхона партия ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, оддий ишчилар биринчи галда ана шуни таъкидлашди.**

Партия XXVII съезди бўлиб ўтгандан буён корхонада ишга янгича ёндошиш, ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини, ҳам маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат сезилди. Айниқса, тежамкорлик ва иқтисод учун, ҳар қандай йўқотишларга қарши кураш кескин тус олди. Мутахассислар ва ишчи-хизматчилар ўз ишларига танқидий ёндошадиган бўлиб қолдилар.

Корхона маъмуриятида ҳам, партия ва бошқа жамоат ташкилотларида ҳам озми-кўпми ютуқларни таъкидлашдан кўра кўпроқ ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга эътиборни қаратиш одатдаги ҳолга айланмоқда. Агар заводнинг съезд талаблари асосида ўн иккинчи беш йиллик учун кўзда тутган режаларига назар ташласак, ҳали ўтган икки йил ичида қилинган ишлардан кўра амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўплиги аён бўлади. Фақат бу йилги режага бир назар ташлайлик. Коллектив планга қўшимча камида 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

Юқорида коллектив съезд қарорлари асосида иқтисод ва тежамкорлик учун янгича кураш бошлагани ҳақида айтиб ўтган эдик. Фақат шу йилнинг ўзида моддий ресурсларни тежаш, деталлардан унумли фойдаланиш эвазига товар маҳсулоти таннархини ўтган йилга нисбатан 300 минг сўм арзонлаштиришга аҳд қилишган. Брак туфайли маҳсулот йўқотишларни ўтган йилга қараганда 5 процент камайтириш, шахсий тамға билан ишлаётган ишчилар сонини 200 нафарга етказиш, фақат тежалган хом ашё, электр энергия ва материаллар ҳисобига икки кун ишлаб бериш ташаббуси қулоч ёяётгани қувончли ҳол. Инженер-техник ходимлар ва ишчилар ўртасида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати ҳам меҳнат унумини, иш сифатини оширишга қаратилмоқда. Масалан, бу йил салкам 200 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади, унинг 130 минг сўм иқтисодий самара бериши кутилмоқда. Бошқа кўпгина техникавий-ташкилий тадбирлар ҳам ана шу бош мақсадга қаратиляпти.

Корхонада янги йилдан тўла хўжалик ҳисобига ўтиш олдидан кўпгина тайёргарлик ишлари олиб борилди. Аммо тайёргарлик ишлари юксак талаб даражасида бўлмагани, бир қатор қийинчилик ва муаммоларга дуч келинаётгани аён бўлиб турибди. Тўғри, биз ўтган йили коллективнинг эришган қувончли натижаларидан кўз юммоқчи эмасмиз. Завод биринчи марта зарар кўраётган корхонадан фойда бераётган корхонага айланди! Бу катта ютуқ. 713 минг сўм фойда олинди. Ўтган йили ҳамма кўрсаткичлар бўйича план топшириқлари бажарилди. Тепловоз ишлаб чиқариш 13,3 процентга ошди. Меҳнат унумдорлиги 104,5 процентга адо этилди. 1987 йилда шартнома мажбуриятлари ҳам тўла адо этилдики, бу ютуқлар заводда 1988 йилдан тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашга мустаҳкам замин яратгандек эди. Аммо...

— Гап шундаки, — дейди корхона партия комитети секретарининг ўринбосари Э. Қаҳҳоров куюнчаклик билан, — биз одамлар онгини қайта қуришга эришишимиз, уларни ҳозирги қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга пухта тайёрлашимиз керак экан. Бунинг нақадар муҳимлигини мана, янги йилдан бошлаб яққол сезяпмиз. Биз учун ҳақиқий имтиҳон энди бошланди.

Ҳақ гап! Коллектив январь ойида биринчи синовдан ўтди. Барча кўрсаткичлар бўйича планлар адо этилдию, аммо... фойда плани бажарилмади. Ҳолбуки, янги хўжалик юритиш шароитида бу ғоятда муҳим ҳисобланади. Бу йил фойданинг 58,53 процентини социал ривожлантиришга, 39,52 процентини ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш фондига, қолган қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларига ажратишдек эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳозирданоқ хўжаликни оқилона юрита билиш зарур. Андрей Овчинников, Геннадий Пискуков, Тилла Мирҳаитов етакчилик қилаётган электр аппаратлари, ғилдирак ва 2-механика цехлари бу борада дуруст натижаларга эришмоқдалар. Уларда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига 19 зарбдор ўн кунликлар яхши самара беряпти. Бу цехларда тартиб-интизомни ва ҳисоб-китобни йўлга қўйиш ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг энг муҳим шарти экани ҳар бир ишчига чуқур сингдирилмоқда.

Ҳ. АБРОРОВ.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



## Туташ тақдирлар

Меҳр дилда эмас, кўзда бўлади дейишади. Бу гапнинг нақадар чин эканлигини билмадигу, лекин ота-бола Поповлар ҳаёти, уларнинг меҳнати билан танишганда меҳр ҳам дилда, ҳам кўзда эканига иқрор бўласан киши. Ҳақиқатан ҳам шундай. Улар бир касбда меҳнат қилади. Ишга ҳам бирга бориб, бирга келишади. Ташвишлари ҳам, қувончлари ҳам бирга. Интилишлари ҳам, орзу-умидлари ҳам бир. Бир мақсад йўлида меҳнат қилишади.

Барча баландпарвоз сўзларни бир четга қўяйлик-да, уларнинг таржимаи ҳолига назар ташласак. 60-йиллардан то 1971 йилгача ота, яъни Владимир Дмитрович Попов Қозоғистон қўриқларида меҳнат қилди. 71-йилдан 1983 йилгача эса тақдир уни Кавказга етаклади. 1983 йилдан ҳозирга қадар эса шаҳримиздаги «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаяпти. Фрезерловчи. Ўғли Олег ҳам шу касбда. Яна бир ўғли Борис эса Совет Армияси офицери. Умр йўлдоши Валентина Павловна — ўқитувчи. Ёш авлодни ҳалоллик, инсонийлик руҳида тарбиялашда ўзининг беғараз улушини қўшиб келмоқда. Камтарингина таржимаи ҳол. Биз ҳеч нарсани тўқимадик ҳам, қўшмадик ҳам. Бир қарашда шундай туюлади. Бироқ бор гап шу-да. Энг муҳими — бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши билан банд. Энг муҳими — жамиятга фойда келтирадиган иш билан банд.

— Одамнинг топган пули ҳалол бўлиши керак, — дейди В. Попов. — Ҳалол меҳнат қилиб топгандан кейин қандингни уравер!

Жамиятимизнинг оддий аъзосининг оддий, инсоний фалсафаси бу. Бошқа таърифу тавсифлар ортиқча.

Ўғли Олег аввалига қийналгандек бўлди. Бироқ, мураббий ота бўлгандан кейин ўрганди, кўникди. Мажбурий эмас албатта. Ҳозир у ўз касбига, йўқ ўз ишига меҳр билан қарайди. Меҳр ҳам йиллар маҳсули, тарбия меваси. Ота изидан бориб, унинг номини оқлаган ўғиллари ҳам қандини урсин-да!

С. САЛОҲИДДИНОВ.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) ота ва ўғил Поповлар.

Т. Каримов фотоси.

Техника тараққиёти йўлидан

## Инженерлар ўқуви

**ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЎРГАНИЛАЁТГАН ИНСТИТУТДАГИ ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР**

Коридорда олағовур: имтиҳон топшираётган кишилар ҳаяжонларини боса олмай, қўлларида китоб ушлаб нарибери юришяпти, бир-бирларига нималарнидир уқтиришяпти. Гўё, бу ерда студентлар сессияси бошлангандек.

Сизга «беш» баҳо қўямиз,— деди техника фанлари доктори, профессор М. Т. Болабеков Тошкент трактор заводи бирлашмасининг етакчи конструктори В. Симаковга. Имтиҳон комиссияси сиз бажарган ишни ишлаб чиқаришга жорий этишни тавсия қилди.

Тошкент Политехника институти қошидаги техника ва технология тараққиётининг янги йўналишлари бўйича тармоқлараро малака ошириш институтида тингловчиларнинг навбатдаги туркум машғулотлари тугамоқда. Икки ой мобайнида етакчи мутахассислар, мамлакатдаги йирик машинасозлик корхоналари ва бирлашмаларнинг инженерлари бу ерда ўз малакасини оширдилар. Ўқувни тамомлаган мутахассисларнинг ўнга яқин иши ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия қилинди.

Институт яқиндагина очилди. Институтни СССР Электротехника саноати министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ишлаб чиқараётган заводлар оталиққа олишган. Улар институтга ўз мутахассисларини юбормоқдалар.

Машинасоз инженерларнинг малакасини ошириш жуда долзарб муаммо бўлиб турибди, — дейди институт директори М. Болабеков. — Маълумки, мамлакатдаги анчагина ускуна бекор турибди ёки кам самара беряпти. Аввало, малакали мутахассислар етишмаётганлиги сабабидан шундай бўлмоқда. Ҳамонки техника ҳозиргидек тез суръатлар билан янгиланаётган экан, билимдон инженер ҳам малакасини ошириб бориши, билимларини янгилаб туриши керак.

Институтда дурустгина илмий кучлар бор. Бу ерда янги техника ва машинасозлик технологиясини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланаётган олимлар ишламоқдалар. Институтнинг Тошкентда очилиши бежиз эмас. Сўнгги вақтда бу ерда машинасозлик технологияси соҳасида катта-катта илмий ишлар бажарилди, шу мавзуда бешта докторлик диссертацияси ёқланди.

— Мазкур институтдаги «студентлар» бошқачароқ. Сизларда ўқитиш жараёни қандай ташкил этилган? Назария камроғу практика кўпроқ бўлсин — бу бизнинг шиоримиз. Машинасозлик технологияси, робототехника, ҳисоблаш ва микропроцессор техникаси, лойиҳалашни автоматлаш соҳасидаги энг янги ютуқлар билан таништирамиз. Амалий машғулотлар Тошкент трактор заводи, «Средазэлектроаппарат», «Таштекстильмаш» сингари йирик корхоналарда ўтказилмоқда.

Чоғроқ аудиторияда тингловчилар мулоқот-ҳисоблаш комплексларида ишлашни ўрганишаётган экан. Машғулотни ҳисоблаш ва микропроцессор техникаси кафедрасининг мудири, техника фанлари кандидати Д. Муҳиддинов ўтказмоқда.

— Шогирдларингиз нима иш қилишяпти?

— Ҳар бири ўз топшириғини бажаряпти. Масалан, станокни ёки қайта ишловчи марказни бошқариш блоки ўрганиб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришда асқотади. Энг асосийси, тадқиқот ишига меҳр уйғотишдан иборат.

Бунга ҳожат бормикин? Корхонада шундоқ ҳам юмушлар ошиб-тошиб ётади-ку.

— Бу фикрга қўшила олмайман. Изланиш ишлаб чиқаришда тез-тез пайдо бўладиган қийин вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради. Шу боисдан ҳам тингловчиларимиз институтга ишлаб чиқариш муаммолари билан келишларини истаймиз. Уларни биргаликда ҳал этиш осонроқ бўлади. Чунки кафедрада тадқиқотлар ўтказилмоқда, хўжалик шартномаси асосидаги ишлар бажарилмоқда.

— Ўқиш қалай бўлди? — деб сўрадик Целиноград шаҳридаги «Казахсельмаш» заводининг инженер-технологи Лилия Кимдан.

— Жуда қизиқарли ва мазмунли бўлди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги машғулотлар айниқса ёдимизда қолди. Заводимизда ҳам анчагина замонавий техника бор. Лекин улар кўпинча чала-ярим ишлатилади. Янги техника нималарга қодирлигини «Технологда» рўйрост кўрдим. Ўша ерда яқин орада корхонамизга юбориладиган янгиликлар билан ҳам танишдик. Бу бизга келажакда асқотади.

— Турли республикалардан келган ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашиш ҳам фойдалидир, — дейди Людмила Гнеушева. У «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида механик ишлов бериш бюросига бошчилик қилмоқда. — Тажрибамизни баҳам кўрдик, баҳслашиб муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш йўлларини изладик.

— Энди ёрдам зарур бўлиб қолса, қаёққа мурожаат қилишни билиб олдик, — деб луқма ташлади шу бирлашма инженери Алевтина Бердяева.

Малака ошириш институти эндигина иш бошлади. Ўқув жараёнини йўлга қўйиш билан бир қаторда анчагина ташкилий масалаларни ҳам ҳал қилишга тўғри келмоқда. Машғулотлар учун хоналар етишмай турибди, айни вақтда институтга энг замонавий техника ҳам юборилмоқда. Иттифоқ министрликлари ўқув корпуслари, лабораториялар, ётоқхоналар қуришга анчагина маблағ ажратдилар. Ҳозирча эса тингловчиларни жойлаштириш, аудитория ва лабораторияларни жиҳозлаш билан боғлиқ қийинчиликлар бор. Бу ишда институт ёрдамга муҳтож.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СЎНГГИ СОАТДА

▲ **ЖЕНЕВА. Планлаштириб қўйилганидек, бу ерда билвосита Афғонистон — Покистон музокаралари тикланди.**

**Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг шахсий вакили Диего Кордовес орқали олиб борилаётган музокаралардан кузатилган мақсад — Афғонистон теварагидаги аҳволнинг ташқи жиҳатлари бартараф этилишига кафолат берувчи битимларнинг имзоланишидан иборат. Қисқа муддатли танаффус вақтида Покистон делегациясининг раҳбари — ташқи ишлар давлат министри Заин Нурани ҳукумат ва сиёсий гуруҳларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашиб олиш учун Исломободга учиб кетди.**

▲ Рейтер агентлигининг Токиодан хабар беришига қараганда, япон корчалонлари Теҳрондан чиқиб кета бошладилар.

Япон амалий доиралари қатор вакилларининг жўнаб кетишига сабаб — «шаҳарлар уруши», Теҳроннинг ракеталар билан ўққа тутилаётганлигидир. Ўққа тутиш тўхтатилмаётганлиги натижасида ҳамкорликда бунёд этилаётган қатор саноат объектларининг қурилиши тўхтатиб қўйилди, деб хабар қилинади.

▲ **ЮПИ агентлиги Афинадан хабар беради: бу ерда Греция территориясидаги Америка базаларининг келажак тақдири тўғрисидаги Греция ва АҚШ ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги тўртинчи раунди бошланган.**

**Грек маъмурларининг вакили музокаралар бир ҳафта давом этади, музокараларнинг кейинги раунди эса апрель ойига белгиланган бўлиб, Вашингтонда ўтади, деб маълум қилган.**

▲ Янги Зеландиянинг шимолий қисмида шиддатли бўрон ва сув тошқини оқибатида, дастлабки маълумотларга қараганда 3 киши ҳалок бўлган, бир неча киши ном-нишонсиз йўқолган. Маъмурлар аҳолининг табиий офат районидан эвакуация қилинажаги тўғрисида эълон қилганлар, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

▲ **П. Пикассонинг акварель бўёқлар билан 1903 йилда чизилган асарларидан бири Цюрихдаги картиналар галереясидан ўғирланган эди. Полиция қидирув ишларини олиб бормоқда.**

▲ 9 мингга яқин Америка сценарийчилари ва кинодраматурглари Голливудда забастовка бошладилар. Улар ўз авторлик ҳуқуқларининг қондирилишини ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш системаси тартибга келтирилишини талаб қилмоқдалар.

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР ◉ ВОҚЕАЛАР ◉ ХУШХАБАРЛАР

### *Москвага—кўргазмага*

**«Тошкент» ўқув-техника маркази йирик билим ва маҳорат маскани сифатида кўплаб мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Ўтган йили бу ерда Ўрта Осиё республикаларидан келган мингдан ортиқ турли ихтисосдаги кадрлар таҳсил кўриб, билим ва амалий кўникмаларини оширдилар.**

**Кўргазмали ўқув қуроллари, техника воситаларининг кўпи марказ ходимлари кучи билан тайёрланди. Автохолодильниклар ремонти ва диагностикасига мослаштирилган комплекс стенддан ҳам машғулотларда кенг фойдаланилмоқда. Ўзига хос қурилмадан иборат бу стенд барча технологик жараёнларни ремонт қилиш муддатини икки баробар тежаш имконини берди.**

**Шу сабабли мазкур ижодий изланиш намунаси мутахассислар эътиборини ўзига тортди. СССР агросаноат Давлат комитети тавсияси билан ушбу стенд энг яхши экспонат сифатида СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасига юбориладиган бўлди.**

**С. ОДИЛОВА.**

### *Изланишга мукофот*

**Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли ахборот-ҳисоблаш марказида олиб борилган қатор изланишлар муваффақиятли якунланди. Марказнинг бир группа ёш мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган системадан ёғочни қайта ишлаш корхоналарида кенг фойдаланиш мумкин.**

**Мазкур янгилик республикамиздаги ёғочни қайта ишлаш заводларидан бир нечтасида амалга оширилди. Бу эса бошқариш ишларини тўла автоматлаштириш имконини бериб, маҳсулотни нормал тақсимлашга кенг йўл очади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу система жорий этилгач, йилига 40 минг сўмлик фойда кўрилади.**

**Бу самарали изланишни амалга оширган мутахассислар СССР Қурилиш индустрияси илмий техника жамияти Марказий правлениеси ёрлиқлари билан тақдирландилар.**

### *Буюртма берсангиз бас*

**11-«Висотстрой» трестининг «Спецжелезобетонстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси аҳолига пуллик хизматнинг янги турларини таклиф этди.**

**Қурувчилар ўз материалларидан буюртмачиларга дала ҳовлилари учун металл гаражлар, сўрилар ва соябонлар тайёрлаб берадилар. Буюртмачи билан шартнома асосида нарх белгиланади.**

**Барча ишлар тез ва соз бажарилади. Дастлабки мижозлар бундай хизмат туридан ғоят хушнуд бўлишяпти.**

**А. ҲУСАНОВ.**

### *Китобхонлар ҳузурида*

**Темирйўлчилар маданият саройида СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси М. Гребенюк китобхонлар билан учрашди. У бу тадбирда йиғилганларга ўзбек ёзувчиларининг ҳозирги пайтда олдиларида турган вазифалар, қайта қуриш ва жадаллаштириш муносабати билан боғлиқ долзарб муаммолар ҳақида гапириб берди. Учрашув муносабати билан ўзбек адибларининг асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.**

**Бундан ташқари маданият саройидаги болалар тасвирий санъат студияси аъзолари асарлари кўргазмаси ҳам ҳаммада яхши таассурот қолдирди.**

**Д. УСМОНХЎЖАЕВА.**

### *Шеърият кечаси*

**Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ташаббуси билан ТошДУ Маданият саройида яқинда «Буюк инқилоб давом этади» шеърият кечаси бўлиб ўтди. Унда Асқад Мухтор, Шукрулло, Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Мирза Кенжабоев, Анвар Обиджон, Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Солиҳ, Шукур Қурбон, Сирожиддин Саидов каби шоирлар қатнашдилар.**

## Уюшқоқлик самараси

**Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик жараёнида 2-трамвай депосининг 64 нафар турли миллат вакилларидан ташкил топган коммунистлари партия ўқуви йили давомида олган билимларини чуқурлаштирмоқдалар.**

Пропагандистлар С. Қурбонқулов, В. Куракин, Н. Гардинина ўқув машғулотларини юксак ғоявий-назарий савияда, қайта қуриш ва жадаллаштириш талабига мос равишда, меҳнат коллективларининг амалий ишлари ва вазифалари билан узвий алоқада олиб бораётирлар.

Машғулотлар тематикаси тингловчиларнинг билимини ва ижтимоий фаолиятини мустаҳкамлаш, аҳолига юксак савияда хизмат кўрсатиш, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш ишига қаратилгандир.

Трамвай хўжалигини тиклашга муносиб улуш қўшаётган А. Абдухалилов, Р. Сулаймонов, Н. Бариев, А. Замонбеков, Ғ. Муҳамедовлар коммунист деган фахрли номни меҳнатда оқлашга интилмоқдалар. Улар XIX партия конференцияси шарафига меҳнат унумдорлигини бир процентга ошириш, маҳсулот таннархини пландан ташқари 0,5 процент камайтириш ва электр энергиясини кўплаб тежашга аҳд қилдилар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

